

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

КАРИМОВ ФАРХОД ЭРКИНОВИЧ

**ЯҚИН ШАРҚ ДАВЛАТЛАРИДАГИ ЭТНОСИЁСИЙ
ЖАРАЁНЛАРНИНГ МИНТАҚА ХАВФСИЗЛИГИГА ТАЪСИРИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017 йил

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
политическим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on political sciences**

Каримов Фарход Эркинович

Яқин Шарқ давлатларидаги этносиёсий жараёнларнинг минтақа
хавфсизлигига таъсири 3

Каримов Фарход Эркинович

Влияние этнополитических процессов стран Ближнего Востока на
региональную безопасность..... 17

Karimov Farkhod Erkinovich

The influence of ethno-political processes in the Middle East countries on
regional security 31

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications..... 35

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

КАРИМОВ ФАРХОД ЭРКИНОВИЧ

**ЯҚИН ШАРҚ ДАВЛАТЛАРИДАГИ ЭТНОСИЁСИЙ
ЖАРАЁНЛАРНИНГ МИНТАҚА ХАВФСИЗЛИГИГА ТАЪСИРИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017 йил

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Siyos5 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) илмий кенгаш веб-саҳифаси www.nuu.uz ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Саидолимов Саидхон Талъат ўғли сиёсий фанлар доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Мунавваров Зоҳидилло Иномхўжаевич сиёсий фанлар доктори, профессор Ғафуров Сарваржон Мирзарасулович сиёсий фанлар доктори
Етакчи ташкилот:	Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Университет-4 кўчаси, Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24; E-mail: info@nuu.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Табалар шаҳарчаси, Университет-4 кўчаси, Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24; E-mail: info@nuu.uz

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Пахрутдинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор.

А.Д.Ташанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа доктори (PhD).

А.Г.Мўминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, с.ф.д., доцент.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ўтган аср охири – XXI аср бошларида жаҳон геосиёсий харитасида юз берган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ғоявий мафкуравий жараёнлар халқаро муносабатларнинг трансформациясига олиб келди ва бу борада кўплаб янги қараш ва ёндашувларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Бугунги глобаллашув шароитида дунёнинг бир минтақасида содир бўлаётган турли сиёсий қарама-қаршиликлар, молиявий-иқтисодий инқироз ва қуроли тўқнашувлар дунёнинг бошқа бир ҳудудига жуда тез тарқалмоқда. Натижада миллий, этник, диний, ҳудудий, сиёсий ва ҳарбий аҳамият касб этган минтақавий можароларнинг сони ортиб, минтақавий хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарлар кучаймоқда.

Ўзбекистон мустақилликнинг илк давриданок минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлашни ўз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларилан бири сифатида белгилаб олди. Бу йўналишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби йирик халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида фаол иштирок этиб келмоқда. Тарихан ҳудудий ва диний жиҳатдан яқин бўлган Яқин Шарқ давлатлари билан халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш, ислом динини дунёда нотўғри талқин этишга йўл қўймаслик, Афғонистон ва Яқин Шарқдаги этник-диний можароларни тинч йўл билан ҳал этиш каби долзарб масалалар юзасидан минтақадаги энг нуфузли ташкилотлардан бири бўлган – Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги кўптомонлама муносабатларини олиб бормоқда. “Бугун терроризм ва экстремизмга қарши курашишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, тобора авж олаётган қарама-қаршиликларни бартараф этиш, тинчлик ва барқарорликка таҳдид солаётган хавфларга қарши биргаликда курашиш муҳим аҳамият касб этмоқда”¹. Сўнгги йилларда мамлакатимизда хавфсизлик, миллатларо тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ташқи сиёсатни юритиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси”да алоҳида бешинчи устувор йўналиш сифатида белгилангани ҳам ушбу масаланинг долзарб аҳамиятини яна бир бор тасдиқлайди.

Бугунги кунда дунёда миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш, миллий-этник ва диний зиддиятлар, уларнинг келиб чиқиш сабаб ва омилларини ўрганишга бағишланган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу нуқтаи назардан, беқарорлик ўчоғи ҳисобланган Яқин Шарқдаги этносиёсий муаммоларни чуқур таҳлил этиш, минтақа

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-sha-18-10-2016>

давлатларидаги этносиёсий муносабатларни тартибга солишнинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларини тадқиқ этиш масаласи ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни (2012 й.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (2017 й.) ва “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017 й.) Фармонлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёдаги этник муносабатлар, хусусан, этник ва диний асосларга эга бўлган зиддиятларни этник муаммоларнинг хавфсизлик тизимига таъсири ҳамда Яқин Шарқ минтақасига доир илмий тадқиқотларни 3 гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчи гуруҳ: этносиёсий жараёнлар ва этник тартиб-тамойилларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатларига қаратилган назарий ва амалий тадқиқот ишлари. Бу борада хорижлик олимлар, хусусан, D.Horowitz, L.Diamond, M.F.Platter, T.R.Gurr, С.Хантингтонлар² этник можароларнинг турлари ва келиб чиқиш сабабларига доир илмий тадқиқот ишларини амалга оширган бўлсалар, МДХ давлатларида Р.Г.Абдулатипов, А.А.Акматалиева, О.А.Золотарев, Н.В.Ломакина³ каби олимлар этник муаммоларнинг келиб чиқиш сабаб ва омиллари, уларни ҳал этиш йўллари тадқиқ этишга асосий эътиборни қаратганлар. Ўзбекистонда Б.Умаров, В.Х.Қўчқаров, А.Очилдиев илмий ишларида⁴ миллатлараро муносабатлар, этномиллий сиёсат, ўзликни англаш, эркинлик ва тенглик ғоялари кенг ёритилган.

²Horowitz D. Ethnic Groups in Conflict. Berkley, CA: University of California Press, 1985; Diamond L. and Platter M.F. Nationalism, Ethnic conflict and Democracy, Baltimore and London: №4. The John Hopkins University Press, 1994; Gurr T.R. Minorities at Risk: A Global View of Ethnopolitical Conflict. Washington, D.C.: United States Institute of Peace Press. 1993; No3; Хантингтон С. Столкновение цивилизаций? // «Полис» (<http://www.politstudies.ru/>), 1994, №1.

³Абдулатипов Р.Г. Управление этнополитическими процессами: вопросы ...: Автореф. дис. . д-ра полит. наук.– Ставрополь, 2005.; Управление этническим многообразием и межэтническими отношениями / Учебное пособие / Под общей редакцией профессора Акматалиева А.А. – Бишкек, 2012; Золотарев О.А. Межэтнические и межконфессиональные конфликты. Этнополитические проблемы безопасности. – М., 2000; Ломакина Н.В. Этнический фактор в современных цивилизационных процессах.:Автореф. дис. кан-та философ, наук. – Нальчик: 2007;

⁴Б.Умаров. Ғарб ва Шарқ ижтимоий тафаккурида эркинлик ғояси такомилли. (1-китоб). – Т.: “Akademiya”, 2011. – 272 б.; Қўчқаров В.Х. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг демократиялашиши жараёнида миллий ўзликни англаш муаммоси. дис.... сиёсий фан. доктори.автореферати. – Т.: ДЖҚА, 2009. – 46 б.; Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Т.: “Ўзбекистон”, 200.;

Иккинчи гуруҳ: этник можароларнинг миллий ва минтақавий хавфсизликка таъсири, хавфсизлик тизимида этносиёсий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг давлат ва жамият барқарорлигидаги ўрни ва аҳамияти каби масалаларга бағишланган илмий ишлар В.Вузан, О.Вавер, Ж.де Вальди, Р.Коллиер, В.И.Бовш, А.А.Прохожев каби хорижлик олимлар томонидан амалга оширилган⁵. Мамлакатимизда Т.А.Жўраев, Ш.И.Пахрутдинов, А.Р.Рахманов, Р.М.Алимов, С.Т.Саидолимов, О.С.Маннопова, Р.С.Самаров⁶ каби олимларнинг тадқиқотлари алоҳида диққатга сазовордир.

Учинчи гуруҳ: Яқин Шарқ минтақаси давлатларидаги этносиёсий муносабатлар ва уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири, ҳудуднинг геосиёсий ва геоиктисодий салоҳияти ҳамда ташқи кучлар омилининг роли ва ўрнини тадқиқ этишга қаратилган илмий изланишлар хорижлик тадқиқотчилар А.Свайн, Ж.Ојендал, М.Шулц, С.Е.Ибраҳим, А.В.Нурани, Р.Д.Маклаурин, Ф.Новеиди⁷, МДХ давлатларида Е.А.Примаков, Ю.А.Балашов, М.А.Гасратян, О.И.Жигалина, А.А.Камраков, Е.С.Мелкумян⁸, шунингдек, ўзбекистонлик олимлар З.И.Мунавваров, Ш.А.Ёвқочев, С.М.Ғафуров, М.М.Муҳаммадсидиқов, К.К.Шаниязовлар⁹ томонидан амалга оширилган бўлиб, улар Яқин Шарқ минтақасидаги этносиёсий жараёнларни ҳар томонлама тадқиқ этишда муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

⁵Вузан В., Вавер О. Regions and Powers: The Structure of International Security. Cambridge, 2003; Collier P. Peace and Security // Expert Paper Series Five: Peace and Security. – Stockholm, 2006.; Бовш В.И. Национальная безопасность и историческое сознание нации. – М., 2002; Общая теория национальной безопасности: Учебник общ. ред. А.А.Прохожева. Изд. 2. – М.: РАГС. 2005.

⁶Жўраев Т.А. Жамиятда барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадлар дахлсизлигини асраш // Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда (хаммуаллифлик). – Т.: “Ўзбекистон”, 2000; Пахрутдинов Ш.И. Барқарор тараққиёт ва раҳбар масъулияти. –Т.: ДЖҚА, 2011. – 304 б.; Алимов Р.М. Проблемы формирования новой архитектуры региональной безопасности в условиях глобализации (На примере Центральной Азии): дис...д-ра полит.наук. – Т., 2006.; Рахманов А.Р. Международно-правовые аспекты обеспечения всеобъемлющей национальной безопасности Республики Узбекистан: Автореф. дисс...докт. юрид.наук. – Т.: ТГЮИ, 2001. – 54 с.; Самаров Р.С. Хавфсизликнинг методологик асослари (монография). – Тошкент: Академија, 2010. – 256 б.; Саидолимов С.Т. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш муаммолари: Диссер. сиёс. фан. доктори –Т.: ДЖҚА, 2009;

⁷Swain A., Ojendal J., Schulz M. Security in the Middle East – Increasingly Multidimensional and Challenging, Stockholm, 2009.; Saas Eddin Ibrahim, Sects, Ethnicity and Minority Groups in the Arab World (in Arabic), – Cairo, 1994.; Hourani A.W. Minorities in the Arab World, London: Oxford University Press, 1974. Maclaurin R.D. The Political Role of Minority Groups in the Middle East. New York: Praeger, 1979.; Howeydi F. Citizens Not Protected (in Arabic), Cairo: Dar El Sherouk, 1990; .

⁸Примаков Е.М. История одного сговора: Ближневосточная политика США в 70-е – начале 80-х гг. – М., 1985. – 319 с.; Балашов Ю.А. Некоторые особенности системы межэтнических коммуникаций в регионе Ближнего и Среднего Востока; Гасратян М.А. Курдская проблема в Турции. – М.: ИВ РАН, 2001.; Камраков А.А. Этноконфессиональные меньшинства в политическом процессе Большого Ближнего Востока: особенности институционального развития и диаспоральной деятельности. Дисс. к.п.н. – Нижний Новгород, 2009.;

⁹Ёвқочев Ш.А. Политизация ислама и проблема религиозного экстремизма в современном Египте: Дис. ... канд. полит. наук. – Т.: ТашГИВ, 2000. – 196 с.; Мунавваров З.И. Страны Аравийского полуострова в международных политических и экономических отношениях 20 века: Автореф. дисс... док. полит. наук. – Ташкент, 1997. – 30 с.;; Муҳаммадсидиқов М.М. Саудия Арабистонининг Қизил денгиз минтақасида хавфсизликни таъминлашсиёсатининг хусусиятлари. С.ф.н. олиш учун диссер. автореферати. – Т.: ТошДШИ, 2005. – 24 б.; Ғафуров С.М. Хавфсизлик стратегияси: Марказий Осиё республикалари ва Форс кўрфази араб давлатлари амалиёти. – Т., 2007; Шаниязов К.К. Палестинская проблема в ближневосточной политике США. Автореф.дисс. ...канд.полит.наук. –Т.: ТашГИВ, 2005. – 23 с.

Юқоридаги илмий ишлардан фарқли ўлароқ ушбу тадқиқот ишида Яқин Шарқ давлатларидаги этносиёсий жараёнлар минтақавий хавфсизлик контекстида тадқиқ этилди ва мавжуд этносиёсий муаммоларни бартараф этиш юзасидан илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий тадқиқот ишлари режасининг №10 - “Шарқ мамлакатларида кечаётган сиёсий-ижтимоий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг халқаро муносабатларга таъсири” мавзуидаги устувор илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Яқин Шарқдаги этносиёсий муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитлари, ташқи ва ички омилларининг минтақа хавфсизлигига таъсирини очиб бериш, шунингдек, уларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

– минтақавий хавфсизлик контекстида этносиёсий муаммоларни тадқиқ этишнинг назарий-методологик жиҳатларини ўрганиш, бу борадаги концептуал қараш ва ёндашувларни қиёсий таҳлил этиш;

– этносиёсий муаммоларни тартибга солишнинг мавжуд сиёсий механизмлари ҳамда уларнинг халқаро ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

– минтақадаги этносиёсий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, минтақа давлатларининг этник таркиби ҳамда унинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсирини кўриб чиқиш;

– Яқин Шарқдаги геосиёсий жараёнларда ташқи куч омили ва унинг минтақа хавфсизлигига таъсирини ўрганиш;

– этник муаммоларни тартибга солиш борасида минтақа давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда минтақавий хавфсизликни таъминлашда халқаро ҳамжамиятнинг ўрни ва ролини таҳлил этиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Яқин Шарқдаги этносиёсий муносабатлар ва уларнинг минтақа хавфсизлигига таъсири билан боғлиқ муаммолар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Яқин Шарқдаги этносиёсий муносабатларнинг ўзига хос жиҳатлари ва тарихий ривожланиш босқичлари, этносиёсий можароларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитлари, уларнинг ташқи ва ички омиллари ҳамда минтақа хавфсизлигини таъминлаш каби долзарб масалалар белгиланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини олиб боришда тарихий, контент, қиёсий, институционал таҳлил усуллари, тизимли-тузилмавий, эмперик ва фактор таҳлил методларидан фойдаланилди. Шунингдек, тадқиқот фактларга асосланган ҳолда анализ ва синтез методи орқали бажарилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

этносиёсий омил хавфсизликни таъминлаш концепцияларининг муҳим категорияси экани назарий-методологик жиҳатдан очиб берилган;

Яқин Шарқдаги этносиёсий муаммоларни тартибга солиш борасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни этник озчиликка нисбатан умумий таърифнинг киритилиши ҳамда унинг сиёсий-ҳуқуқий мақоми белгилаб берилиши орқали такомиллаштириш зарурияти асослаб берилган;

Яқин Шарқ давлатларидаги этник озчиликнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокини адолатли таъминлаш, уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва миллий хусусиятини сақлаб қолишга зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш этник кўпчилик ва озчилик манфаатлари мувозанатини таъминлашнинг муҳим шarti сифатида кўрсатилган;

Яқин Шарқдаги этносиёсий муаммоларни ҳал этишда минтақа давлатларининг Ислom ҳамкорлик ташкилоти ва Араб давлатлари Лигаси ташкилотлари доирасидаги ўзарo ҳамкорлигини кучайтириш, уларнинг мазкур муаммолар ечими юзасидан қараш ва ёндашувларини мувофиқлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

этник муаммоларнинг келиб чиқиш сабаб ва омиллари ҳамда унинг ўзига хос жиҳатлари Яқин Шарқ минтақаси мисолида очиб берилган;

этносиёсий муносабатларни тартибга солиш, этник муаммоларни ҳал қилиш борасида қабул қилинган мавжуд халқаро ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

Яқин Шарқ давлатларидаги этносиёсий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлили асосида минтақа давлатларидаги этник гуруҳлар манфаатлари мувозанатини таъминлаш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

Яқин Шарқдаги этносиёсий муаммоларни ҳал этишда минтақавий ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, этник ва миллатлараро муносабатларни ўрганадиган тадқиқот марказлари таҳлилий ҳужжатлари, оммавий ахборот воситаларида келтирилаётган маълумотлардан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртларида сиёсатшунослик асослари ва назарияси, жаҳон сиёсати ва конфликтология каби фанларни ўқитишда, маъруза матнлари ҳамда ўқув ва ўқув-методик қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларидан миллий ва минтақавий хавфсизлик, этносиёсий муаммоларни ҳал этиш ҳамда жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш масалалари билан бевосита шуғулланадиган давлат ва жамоат ташкилотлари, диний идоралар, илмий-тадқиқот марказлари фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Яқин Шарқ давлатларидаги этносиёсий муаммоларни олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тадқиқот натижалари асосида:

Яқин Шарқдаги этносиёсий муаммоларни ҳал этишда минтақа давлатларининг ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти доирасида ахборот-таҳлилий ҳужжатларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг 2016 йил 16 июндаги 01/321-сонли далолатномаси). Мазкур тадқиқот натижалари ва хулосалар этник можароларнинг таснифи ва кўринишлари, этник ва диний конфессионал тартиб тамойилнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида янги ғоя ва таклифлар ишлаб чиқиш имкониятини яратган;

этносиёсий муносабатларни тартибга солиш, этник муаммоларни ҳал қилиш борасида қабул қилинган халқаро ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш зарурлиги юзасидан диссертация ишида келтирилган илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида бир қатор таҳлилий ҳужжатларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг 2016 йил 16 июндаги 01/321-сонли далолатномаси). Уларда, жумладан, халқаро меъёрий ҳужжатларни этник гуруҳларнинг ҳуқуқий ва сиёсий мақомини аниқлаш орқали такомиллаштириш зарурияти илмий асослаб берилган;

Яқин Шарқ халқлари сиёсий маданиятининг шаклланишида эркинлик ғоялари ва минтақадаги этносиёсий муносабатларнинг хусусиятларига оид фикр-мулоҳазалар, концептуал ғоя ва хулосалардан давлат илмий-техника дастури доирасида 2007–2011 йилларда бажарилган Ф8-042-рақамли “Шарқ ва Ғарб ижтимоий тафаккурида эркинлик ғояси такомилли: муштаралик ва ўзига хослик” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳа ҳамда грант доирасида чоп этилган монографияларда фойдаланилган (ФТМРҚнинг 2016 йил 7 октябрдаги ФТК-03-13/661-сонли маълумотномаси). Этносиёсий муаммоларнинг келиб чиқиш сабаб ва омилларига оид назарий хулосалар Шарқ ижтимоий тафаккурида ўзликни англаш ва эркинлик тушунчасинининг моҳиятини очиб беришда муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, шу жумладан, 1 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 156 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Минтақавий хавфсизлик контекстида этносиёсий муаммоларни тадқиқ этишнинг назарий-методологик жиҳатлари”** деб аталади. Ушбу бобда хавфсизлик масалаларини тадқиқ этиш борасидаги концептуал қараш ва ёндашувларда этносиёсий муаммолар талқини, минтақавий хавфсизлик ва этносиёсий муаммоларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда этник муносабатларни тартибга солишнинг сиёсий механизмлари ҳамда унинг халқаро ҳуқуқий асослари кўриб чиқилган. Этник муаммоларнинг миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликка таъсири таҳлили асосида қуйидаги асосий жиҳатларга аҳамият қаратилган:

Биринчидан, дунёнинг барча минтақаларида этник омил, шахс идентификацияси, миллий ўзликни англаш ва давлатчиликни шакллантириш каби масалалар доимий илмий муҳокама марказида бўлиб, хавфсизлик категорияларида ўзининг муҳим ўрнига эга. Айниқса, бу кўпмиллатли давлатларда янада кучлироқ аҳамият касб этиб, уларнинг сиёсий барқарорлиги ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёти миллатлараро муносабатларнинг умумий ҳолатига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, хавфсизлик назариясида ижтимоий, иқтисодий, ҳарбий-сиёсий категориялар билан бир қаторда, этносиёсий омилнинг муҳим ижтимоий категория сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланади.

Иккинчидан, бугунги кунда ҳар бир минтақага хос этник муносабатлар ва у билан боғлиқ муаммолар глобаллашув шароитида минтақавий хавфсизликка бевосита таъсир кўрсатиб, бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Маълумки, ҳар бир ҳудуд кадриятлар жиҳатидан бири-бирига яқин бўлган миллатлар, халқлар ва давлатларнинг ўзига хос макони ҳисобланади. Шунинг учун ҳам минтақа хавфсизлиги ушбу ҳудудда жойлашган миллатларнинг ўзаро муносабатлари ҳолатига қараб белгиланади. Минтақадаги бирор-бир миллат, халқ ёки жамиятнинг кадриятларига ҳурматсизлик, босим ўтказиш ва манфаатларини инобатга олмаган ҳолда муносабатда бўлиш, охир-оқибат этносиёсий вазиятнинг кескинлашувига, миллатлараро можароларнинг келиб чиқишига олиб келиши муқаррар.

Учинчидан, этносиёсий муаммоларни тартибга солувчи халқаро ҳужжатларда, жумладан, БМТнинг 242, 338, 425-сонли резолюцияларида этник камчиликка нисбатан умумий таърифнинг мавжуд эмаслиги ва унинг сиёсий-ҳуқуқий мақоми белгилаб берилмаган. Бу минтақа давлатларидаги титул миллат (бу масалада ҳам аниқ ҳуқуқий таъриф йўқ) ва этник озчиликни ташкил этувчи миллатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда бир қатор тушунмовчилик ва эътирозларни келтириб чиқармоқда. Шунингдек, инсон ҳуқуқларига доир халқаро норматив ҳужжатларда этник озчиликнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлашда давлатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш тамойиллари аниқ кўрсатилмаган. Этник озчиликнинг сиёсий ҳуқуқларини фақатгина суверен давлатнинг ҳудудий яхлитлигини таъминлаган ҳолдагина таъминлаш мумкин. Бироқ, шунга қарамай, тарихий жараён шуни кўрсатмоқдаки, кўп ҳолатларда, амалиётда буни турлича талқин қилиш орқали этник можароларга сабаб бўлмоқда.

Умуман олганда, ушбу бобда минтақавий хавфсизликни таъминлашда этносиёсий муносабатларнинг аҳамияти, этник зиддиятларни келтириб чиқарувчи омилларнинг олдини олиш масалалари, унинг сиёсий механизмлари ва халқаро ҳуқуқий асослари атрофлича ўрганилди ва илмий асослашга ҳаракат қилинган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Яқин Шарқ минтақаси давлатларидаги этносиёсий муносабатлар ва уларнинг минтақа хавфсизлигига таъсири”** деб номланади. Ушбу бобда Яқин Шарқ давлатлари этник таркибининг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири, минтақадаги давлатлараро этносиёсий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, Яқин Шарқдаги геосиёсий жараёнларда ташқи куч омилнинг этносиёсий вазиятига таъсири каби масалалар ўрганилган. Олиб борилган тадқиқот натижасида Яқин Шарқ минтақаси давлатларидаги этносиёсий муносабатларнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган:

– XX асрнинг бошида Ғарб давлатлари томонидан ўз геосиёсий мақсадлари йўлида Яқин Шарқ минтақасидаги турли миллат ва диний-конфессия гуруҳлари бир нечта давлатларга бўлиб ташланди. Бунга ёрқин мисол сифатида Сайкс-Пико* ва шунга ўхшаш бошқа бир қатор шартномаларни келтириш мумкин. Натижада ушбу геосиёсий маконда ўз миллий қараш ва диний қадриятлари жиҳатидан ўзаро келишмовчиликларга эга турли этник-диний гуруҳлардан иборат 20 дан ортиқ давлатлар юзага келди ва бу ҳолат келажакда минтақада ўта мураккаб этносиёсий вазиятнинг юзага келишига сабаб бўлди. Кейинчалик эса, Фаластин ҳудудида Исроил давлати ташкил этилди. Ушбу ҳолат Яқин Шарқ минтақасидаги этносиёсий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятни кўрсатиб беради;

– минтақа давлатларида этник кўпчилик ва камчилик манфаатлари мувозанатини таъминлашга қаратилган ички сиёсий механизмларнинг ҳануз ишлаб чиқилмагани оқибатида этник хилма-хиллик борган сари сиёсий тус

* (ингл. *Sykes-Picot Agreement*) 1916 йил 16 майдаги Буюк Британия, Франция, Россия ва кейинчалик Италия томонидан Яқин Шарқдаги манфаатларни белгилаб олиш бўйича яширин келишув.

олиб, нафақат давлатнинг ички ижтимоий-сиёсий барқарорлигига, балки давлатлараро муносабатларга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, этник гуруҳларнинг диний гуруҳларга ажралиши янада хавфли характерга эга бўлиб, минтақадаги экстремистик ва террористик гуруҳлар билан ўзаро ҳамкорлигининг кучайишига олиб келган;

– Яқин Шарқ либерал кадриятлар ривожланган Туркия, шиавийлик мазхабига мансуб диний бошқарувни ўрнатган Эрон ва суннийлик маркази бўлган Саудия Арабистони каби йирик минтақавий давлатлар манфаатлари тўқнашган ҳудуд ҳисобланади. Минтақадаги носоғлом сиёсий муҳит, яъни давлатларнинг доимий мurosасиз тортишувлари, минтақада ҳукмронликка интилиш амбицияларининг кучлилиги, бир-бирига таҳдид солиш ёки бир-бирини ҳурмат қилмаслик ҳолатлари этник муаммолар ечимини янада мураккаблаштирамоқда. Бу эса, минтақада ташқи кучларнинг давлатлар ички ишларига аралашувиغا мустаҳкам замин яратмоқда;

– минтақа аҳолиси катта қисмининг саводсизлиги, ишсизлик даражасининг юқорилиги, турмуш даражасининг пастлиги, ҳокимиятнинг бирор-бир сиёсий гуруҳ ёки муайян диний конфессия кўлида қолиб келаётгани этник зиддиятларнинг асосини ташкил этмоқда. Бунга Ливия, Сурия, Миср, Ироқ ва бошқа давлатларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Умуман олганда, Яқин Шарқ минтақасининг дунё энергетикасидаги мавқеи, ҳудунинг геосиёсий жойлашуви ва бошқа кўплаб имкониятлари унинг доимий равишда жаҳон геосиёсий жараёнларига кенг жалб этилишига сабаб бўлмоқда. Мазкур шароитда, этник ва диний омил ташқи кучларнинг минтақадаги геосиёсий манфаатларини амалга оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

“Яқин Шарқда минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг институционаллашуви” деб номланган учинчи бобда этник муаммоларни бартараф этишда минтақа давлатларининг ўзаро ҳамкорлиги, бу жараёнда халқаро ҳамжамиятнинг роли ва аҳамияти ўрганилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида минтақавий хавфсизлик ва этник муносабатларни тартибга солишнинг концептуал жиҳатлари илмий асосланган. Унда, жумладан, қуйидаги асосий жиҳатларга эътибор берилган:

Биринчидан, бугунги кунда Яқин Шарқда этник муаммоларни тартибга солиш борасида минтақа давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик аянчли ҳолатда эканлиги очиқ берилган. Минтақа давлатларининг этник муносабатларни тартибга солиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш ўрнига, бир-бирига нисбатан қарама-қарши муносабатда бўлиши, бошқа давлатдаги ҳукуматга қарши томонларни қўллаб-қувватлаши вазиятнинг янада чуқурлашишига сабаб бўлмоқда. Устига-устак халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, БМТнинг минтақадаги этноконфессионал муаммоларни бартараф этишга қаратилган бир қатор резолюцияларига улар томонидан тўлиқ амал қилинмаётгани ушбу муаммолар ечимини янада мураккаблаштирамоқда. Айни пайтда, минтақа давлатлари ўртасида ушбу муаммолар юзасидан ҳеч бўлмаганда яқин қараш ва ёндашувларнинг ишлаб чиқилмагани, ягона мақсад сари бирлашиш қобилияти ва салоҳиятининг сустлиги, шунингдек,

айрим давлатларнинг минтақада шахсий амбицияларнинг кучлилиги вазиятни барқарорлаштиришда ҳамон асосий тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда.

Иккинчидан, минтақадаги можароларни ҳал этишда нуфузли минтақавий ва халқаро институтлар орасида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ўрни ва аҳамиятини алоҳида қайд этиш зарур. Жумладан, ХК томонидан Яқин Шарқда хавфсизликни таъминлаш, араб–исроил можароларини тинч йўл билан ҳал этиш мажбурияти юзасидан минтақа давлатларининг ҳар бирига алоҳида кўрсатмалар ишлаб чиқилган. Масалан, унинг доимий аъзоси бўлмиш АҚШ томонидан араб–исроил можаросини ҳал этиш учун бир неча бор “Йўл харитаси”¹⁰ режаси ишлаб чиқилган. Ушбу хариталарда икки давлат тинчликка фақат амалда эркинликка асосланган демократияни ўрнатиш, куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилишга барҳам бериш, Исроилнинг Фаластин суверен давлатини ташкил этишда консенсусга тайёр туриши зарурлиги, шунингдек, бу жараёнда “Тўртлик”нинг (БМТ, ЕИ, АҚШ, Россия) иштирок этиши белгилаб қўйилган. Бироқ, бугунги кундаги реал воқелик юқоридаги кўрсатмаларнинг минтақадаги этносиёсий муаммолар ечимидаги ролини етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида, халқаро ҳамжамиятнинг ролини янада ошириш, можароларни ҳал қилиш бўйича ягона концепцияни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга самарали татбиқ этишни тақозо этмоқда.

Учинчидан, турли миллат ва диний конфессия вакиллари истиқомат қилувчи Марказий Осиё минтақаси Яқин Шарқ ҳудудига яқин жойлашган бўлиб, ундаги этносиёсий можаролар, диний-этник қарама-қаршилик ва зиддиятларнинг ҳал этилмагани бевосита минтақа хавфсизлиги учун жиддий хавф-хатар ҳисобланади. Шу боисдан, минтақада миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик тамойиллари асосида этносиёсий муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, бу борада ҳар томонлама пухта ўйланган ички ва ташқи сиёсат юритиш Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг энг муҳим шартларидан ҳисобланади. Маълумки, Ўзбекистон ташқи сиёсатида минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, этник низолар ва можароларнинг олдини олиш, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Ўзбекистон аҳолисининг миллий таркибига кўра, кўп миллатли давлатлар қаторига киради. Мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва 16 та диний конфессия вакилларининг бир оиладек аҳил яшаши учун барча ҳуқуқий асослар ва зарур шарт-шароитлар яратилган. Шунингдек, Ўзбекистон минтақада, қолаверса, минтақа атрофида ҳар қандай муаммони, хусусан, этник ва диний зиддиятларни тинч, сиёсий музокаралар йўли билан, минтақа давлатларининг ўзаро ҳамжихатлигида ҳал қилиш тарафдори. Сўнги пайтларда давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан Марказий Осиё минтақаси давлатлари билан яқин қўшничилик, ўзаро ишонч ва очиклик

¹⁰2003 йилда АҚШ президенти Жорж Буш томонидан араб–исроил можаросини ҳал этиш бўйича таклиф этилган режа.

тамойиллари асосида муносабатларни мутлоқ янги босқичга олиб чиқиш юзасидан кўплаб амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу ишлар, энг аввало, “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш каби ўта муҳим вазифалар ҳаётга изчил амалга оширилаётганидан далолат беради.

ХУЛОСА

Тадқиқот ишида Яқин Шарқ минтақаси давлатларидаги этносиёсий жараёнларни таҳлил этиш, уларнинг минтақа хавфсизлигига таъсирини ўрганиш ҳамда мавжуд этносиёсий муаммоларни бартараф этиш юзасидан қуйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, этник омил ҳозирги кунда нафақат шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига, балки минтақавий ва халқаро даражадаги хавфсизликка ҳам жиддий таъсир кўрсатувчи омилга айланиб, давлатлар ички сиёсий аҳволининг барқарорлиги ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш динамикаси, аксарият ҳолларда кўп миллатли давлатда яшаётган бошқа миллат вакиллари сиёсий хайрихоҳлигига ҳамда этносиёсий муносабатларнинг мўътадиллигига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу сабабли бугунги кунда кўп миллатли мамлакатларда истиқомат қиладиган асосий миллат вакиллари ва этник озчилик гуруҳлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ички сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликнинг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлиб қолмоқда.

Иккинчидан, бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган глобаллашув шароитида дунёдаги мавжуд турли этник озчиликлар томонидан миллий ўзликни англаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг кучайиши жараёнида этник муносабатларни тартибга солишнинг адолатли халқаро ҳуқуқий асосларига бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Дунёда мавжуд этносиёсий муаммоларнинг самарали ҳал этилиши, айнан ушбу халқаро ҳуқуқий меъёрларнинг сифати ва уларга изчил амал қилинишига боғлиқ бўлади.

Учинчидан, ўтган асрнинг бошларида Яқин Шарқда янги мустақил давлатларнинг вужудга келиши билан минтақа давлатларининг деярли барчасида этник хилма-хилликнинг юзага келиши кузатилди. Минтақа давлатларида этник кўпчилик ва озчилик манфаатлари мувозанатини таъминлашга қаратилган ички сиёсий механизмларнинг ишлаб чиқилмагани, уларнинг аксариятида ҳарбий режимга асосланган сиёсий тизимлар томонидан этник озчиликлар ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилишининг кучайиши оқибатида этник хилма-хиллик борган сари сиёсий тус олиб, нафақат давлатнинг ички ижтимоий-сиёсий барқарорлигига, балки давлатлараро муносабатлардаги сиёсий жараёнларга ҳам салбий таъсир кўрсатувчи муҳим омилга айланди. Айниқса, этник гуруҳларнинг диний гуруҳларга ажралиши янада хавфли характерга эга бўлиб, минтақадаги экстремистик ва террористик гуруҳлар билан ўзаро ҳамкорлигининг кучайишига олиб келди.

Тўртинчидан, Яқин Шарқ минтақаси давлатларида аҳоли турмуш даражасининг пастлиги, аҳолини қўллаб-қувватлашга қаратилган таълим, соғлиқни-сақлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш давлат дастурларини реал ҳаётга жорий қилиш борасидаги сиёсий ислохотларнинг етарли даражада эмаслиги, минтақанинг кўп давлатларида ишсизликнинг юқорилиги аҳоли орасида турли ижтимоий норозилик ва зиддиятларнинг, ҳукуматга қарши турли гуруҳларнинг шаклланишига туртки бўлмоқда.

Бешинчидан, минтақа аҳолисининг нафақат этник, балки диний жиҳатдан ҳам хилма-хиллиги, бир этносга мансуб халқларнинг турли дин ёки диний конфессияларга эътиқод қилиши, уларнинг ўз эътиқодида мустаҳкамлиги, сиёсий тизимнинг диний тартиб-тамойиллар асосида ўрнатилгани кўп ҳолларда этник гуруҳлар ўртасида баҳс-мунозараларни келтириб чиқармоқда.

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси ўз ташқи сиёсатида можароларни, хусусан, этник ва диний зиддиятларни ҳал этишда сиёсий йўллар билан, превентив дипломатия орқали амалга оширишни илгари суради. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик тамойилларини ҳаётга жорий қилиш энг муҳим ва амалий аҳамиятга эгаллигини таъкидлаб келади. Яқин Шарқдаги қарама-қарши томонларнинг ўзаро манфаатдорлигини инобатга олган ҳолда, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш, минтақада миллатлараро ҳамжиҳатлик ҳамда диний бағрикенгликни таъминлашда БМТ ва бошқа халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар роли ва таъсири кучайтириш тарафдори.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.29.08.2017.S.01.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

КАРИМОВ ФАРХОД ЭРКИНОВИЧ

**ВЛИЯНИЕ ЭТНОПОЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ СТРАН
БЛИЖНЕГО ВОСТОКА НА РЕГИОНАЛЬНУЮ БЕЗОПАСНОСТЬ**

23.00.02 – Политические институты, процессы и технологии

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПОЛИТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) по политическим наукам зарегистрирована в высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.1.PhD/Siyos5.

Диссертация выполнена при Ташкентском государственном институте востоковедения.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский) размещен на веб-странице по адресу www.nuu.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель: Саидолимов Саидхон Талъат угли
доктор политических наук, доцент

Официальные оппоненты: Мунавваров Зохидилло Иномхужаевич
доктор политических наук, профессор

Гафуров Сарваржон Мирзарасулович
доктор политических наук

Ведущая организация: Бухоро давлат университети

Защита диссертации состоится «___» «_____» 2017 года в 14.00 часов на заседании Научного совета DSc.29.08.2017.S.01.08 при Национальном университете Узбекистана по адресу 100192, г.Ташкент, улица Университет, 4. Тел: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: info@nuu.uz

С диссертацией можно ознакомиться на Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрировано за № ____). Адрес: 100192, г.Ташкент, улица Университет, 4 Тел: (99871) 246-02-24.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2017 года.
(протокол рассылки № _____ от «___» _____ 2017 года).

Ш.И.Пахрутдинов

Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней
доктор полит.наук., профессор.

А.Д.Ташанов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней
доктор философии (PhD).

А.Г.Мўминов

Председатель научного семинара при
ученом совете по присуждению ученых
степеней, доктор полит.наук., доцент.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Политические, социально-экономические, идейно-идеологические процессы, произошедшие на геополитической карте мира в конце прошлого века и начале XXI века, привели к трансформации международных отношений и стали причинами возникновения множества новых взглядов и подходов. В условиях нынешней глобализации различные политические противоречия, финансово-экономический кризис и вооружённые столкновения, происходящие в одной части мира, в ускоренном темпе распространяются на другой части мира. В результате повышается число региональных конфликтов, имеющих национальное, этническое, религиозное, территориальное, политическое и военное значения, усиливаются угрозы и риски региональной безопасности.

Узбекистан с первых лет независимости определил как одно из приоритетных направлений своей внешней политики обеспечение региональной безопасности и устойчивости, укрепление межнационального согласия и религиозной толерантности. В этом направлении принимает активное участие в рамках таких крупных международных и региональных организаций, как Организация объединённых наций, Организация безопасности и сотрудничества в Европе, Содружество независимых государств, Шанхайская организация сотрудничества, Исламская организация сотрудничества. Ведётся многосторонние отношения со странами Ближнего Востока, исторически близкими в региональном и религиозном аспектах, в рамках одной из самых авторитетных организаций в регионе – Исламской организацией сотрудничества по таким актуальным вопросам, как борьба против международного терроризма и религиозного экстремизма, недопущение неправильной трактовки религии ислама в мире, решение мирным путём этнически-религиозных конфликтов в Афганистане и Ближнем Востоке. «В настоящее время большое значение приобретают объединение усилий в борьбе с терроризмом и экстремизмом, урегулирование незатухающих конфликтов, совместное противодействие угрозам миру и стабильности»¹. В последние годы в нашей стране вопросам обеспечения безопасности, межнационального согласия и религиозной толерантности, осуществления взвешенной, взаимовыгодной и конструктивной внешней политики придаётся особое внимание, и определение их в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017–2021 годы как отдельное пятое приоритетное направление ещё раз доказывает актуальность значения данного вопроса.

В настоящее время в мире ведётся множество научно-исследовательских работ, посвящённых вопросам обеспечения национальной и региональной безопасности, изучения национально-этнических и религиозных противоречий, причин и факторов их проявления. С этой точки зрения

¹Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на церемонии открытия 43-й сессии Совета Министров иностранных дел Исламской организации сотрудничества <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-sha-18-10-2016>

вопросы глубокого анализа этнополитических проблем в Ближнем Востоке, являющегося очагом неустойчивости, исследования и теоретических, и практических аспектов урегулирования этнополитических отношений в странах региона определяют актуальность темы настоящей диссертации.

Диссертационное исследование в определённой степени служит осуществлению задач, определённых в Законе Республики Узбекистан «Об утверждении Концепции внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан» (2012 г.), указах Президента страны «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» (2017 г.) и «О мерах по дальнейшему совершенствованию межнациональных отношений и дружественных связей с зарубежными странами» (2017 г.), а также в ряде других, касающихся этой деятельности, нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования приоритетным **направлениям развития науки и технологий республики**. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Научные исследования по изучению этнических отношений в мире, в частности, вопросов противоречия с этническими и религиозными обоснованиями, влияния этнических проблем на систему безопасности, а также посвящённые региону Ближнего Востока, можно разделить на 3 группы:

Первая группа: входят теоретические и практические исследовательские работы, направленные на общественно-политические аспекты этнополитических процессов, этнических порядков и принципов. Если в этом направлении из зарубежных учёных, в частности D.Horowitz, L.Diamond, M.F.Platter, T.R.Gurr, С.Хантингтон¹ вели научные исследования по видам и причинам возникновения этнических событий, в странах СНГ такие учёные как Р.Г.Абдулатипов, А.А.Акматалиева, О.А.Золотарев, Н.В.Ломакина² основное внимание обратили на исследование причин и факторов возникновения этнических проблем, путей их решения. В Узбекистане в научных трудах Б.Умарова, В.Х.Кучкарова, А.Очилдиева³ широко освещены

¹Horowitz D. Ethnic Groups in Conflict. Berkley, CA: University of California Press, 1985; Diamond L. and Platter M.F. Nationalism, Ethnic conflict and Democracy, Baltimore and London: №4. The John Hopkins University Press, 1994; Gurr T.R. Minorities at Risk: A Global View of Ethnopolitical Conflict. Washington, D.C.: United States Institute of Peace Press. 1993; No3; Хантингтон С. Столкновение цивилизаций? // «Полис» (<http://www.politstudies.ru/>), 1994, №1.

²Абдулатипов Р.Г. Управление этнополитическими процессами: вопросы ...: Автореф. дис. . д-ра полит. наук.– Ставрополь, 2005.; Управление этническим многообразием и межэтническими отношениями / Учебное пособие / Под общей редакцией профессора Акматалиева А.А. – Бишкек, 2012; Золотарев О.А. Межэтнические и межконфессиональные конфликты. Этнополитические проблемы безопасности. – М., 2000; Ломакина Н.В. Этнический фактор в современных цивилизационных процессах.: Автореф. дис. кан-та философ, наук. – Нальчик: 2007;

³Б.Умаров. Ғарб ва Шарқ ижтимоий тафаккурида эркинлик ғояси такомил. (1-китоб). – Т.: Akademiya, 2011. – 272 б.; Қўчқаров В.Ҳ. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг демократиялашиши жараёнида миллий ўзликни англаш муаммоси. дис.... сиёсий фан. доктори. Автореферати. – Т.: ДЖҚА, 2009. – 46 б.; Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Т.: Ўзбекистон, 200.;

межнациональные отношения, этнонациональная политика, идеи самосознания, свободы и равенства.

Вторая группа: научные работы, посвящённые таким вопросам, как влияние этнических событий на национальную и региональную безопасность, своеобразные особенности этнополитических отношений в системе безопасности, место и значение в прочности государства и общества выполнены зарубежными учёными, как В. Buzan, О. Waever, J. de Waldi, P. Collier, В.И. Бовш, А.А. Прохожев¹. В нашей стране отдельную значимость имеют исследования Т.А. Жураева, Ш.И. Пахрутдинова, А.Р. Рахманова, Р.М. Алимова, С.Т. Саидолимова, О.С. Манноповой, Б.А. Хужанова².

Третья группа: Научные работы, направленные на исследование этнополитических отношений в странах региона Ближнего Востока и их влияния на общественно-политические процессы, геополитического и геоэкономического потенциала, а также роли и места фактора внешних сил, выполнены зарубежными исследователями А. Swain, J. Ojendal, M. Schulz, S. E. Ibrahim, A. W. Hourani, R. D. Maclaurin, F. Howeydy³, в странах СНГ Е.А. Примаковым, Ю.А. Балашовым, М.А. Гасратяном, О.И. Жигалиной, А.А. Камраковым, Е.С. Мелкумяном⁴, а также отечественными учеными З.И. Мунавваровым, Ш.А. Ёвкочевым, С.М. Гафуровым, М.М. Мухаммадсидиковым, К.К. Шаниязовым⁵, которые послужили важным

